Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган | 11 июнь 1972 йил, якшанба | № 136 (15.307) | Баҳоси 2 тийин.

## Автоматика самараси

АНДИЖОН. Хўжаобод районидаги Сўфиқишлоқ пахта заводида ускуналарни монтаж қилиш тамомланди. Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган, корхонанинг учта цехида ўрнатилган агрегатлар учта пультдан бошқарилади. Ҳом ашёни қайта ишлаш мавсумида пультни бир киши бошқаради.

Завод йилига 30 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқара олади.

Бўз районида қурилаётган Куйбишев пахта заводида ҳам машиналар монтаж қилиб бўлинди. Бу ерга Марказий Фарғонанинг қўриқ ерларида етиштирилган пахта қайта ишлашга келтирилади.

(ЎзТАГ).



Бугун — енгил саноат ходимлари куни

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) 1. Самарқанд ипак-газламалар тўқув фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб катта. Гул босиш цехининг мастери В. Фролова янги хил газламани кўздан кечирмоқда. 2. Бухоро пиллакашлик фабрикасининг жонкуяр ишчиси Мукаррама Носирова. Бу меҳнаткаш аёл шу кунларда август ойи ҳиссига ишлаётир.

В. Сиротин фотолари.

## ТЕХНИКА — ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАСИН

### Кировоград область механизаторларининг даъвати

[illegible]

## САМИМИЙ, ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

ЖАЗОИР, 10. Жазоир революцион кенгашининг аъзоси, миллий озодлик фронти партиясининг аппарати учун жавобгар А. Каид КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигида бу ерда меҳмон бўлиб турган КПСС делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Жазоир ёшлар ва спорт ишлари министри А. Фадил, бошқа расмий кишилар, шунингдек, СССРнинг Жазоир Халқ Демократик Республикасидаги элчиси С. С. Грузинов ҳозир бўлдилар.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.



## СОВЕТ — ЮГОСЛАВИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Тито ва унинг рафиқаси Йованка Броз Тито 1972 йил 5 июндан 10 июнгача Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида бўлди.

[illegible]

(Давоми тўртинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУВ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Сув тўғрисидаги кодекси тасдиқлансин ва у 1972 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Сув тўғрисидаги кодексини амалга киритиш тартибини белгилаш ва Ўзбекистон ССР қонунларини Ўзбекистон ССРнинг Сув тўғрисидаги кодексига мувофиқлаштириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1972 йил 9 июнь. Тошкент шаҳри.

